



* Маҳалла Ватанга хиёнаторлар муҳокама қилинди
 * “Чимилдиқ” да: Насиба Абдуллаеванинг севги тарихи
 * Енгилтак ёшлар севгисининг бегуноқ гуноқкори
 * Булғориялик аёл бадани офриси, қаердадир зилзила бўлармиш



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 26 май Чоршанба. № 40 (14231)

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 25 май куни Дўрмон қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С.Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон-АҚШ, АҚШ-Ўзбекистон қўшма комиссияларининг Тошкентда утган навбатдаги сессияси якунлари, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар қўламини янада кенгайтириш, хусусан тад-

Бугун АҚШ бизнинг етакчи савдо ҳамкорларимиздан бири, - деди жумладан, давлатимиз раҳбари. - Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш нафақат иқтисодий ривож, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлади. Аминмизки, АҚШ сиёсий доиралари бугун Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётир. Яъни, ўзаро ҳамкорликнинг

ДўРМОН ҚАРОРГОҲИДА УЧРАШУВ

биркорларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш борасида имтиёзлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мулоқот чоғида Президент Ислоҳ Каримов АҚШ томонидан Ўзбекистонга курсатилган ёрдам Ватанимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятимизда демократия таъйинларини қарор топтириш ва ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни самарали амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги кунда биз учун жаҳон ҳамжамиятига, дунёвий иқтисодий тизимга интеграциялашув энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш, муайян масалалар юзасидан яқдилликка эришиш лозим. Шу маънода халқаро сийosatдаги, иқтисодий тизимдаги купгина муҳим масалалар юзасидан Ўзбекистон билан АҚШнинг нуқтаи назарлари ўзаро мутаносиб бўлаётгани эътиборга молик.

ривожидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор.


Учрашувда С.Сестанович Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини таъкидлади. Хусусан, у Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мавжуд имкониятдан янада самаралироқ фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Бизнинг мақсадимиз нафақат ҳукуматлараро, балки жамиятларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдир, - деди жумладан С.Сестанович. - Бир гапни айтишим керакки, америкаликлар Ўзбекистон куп соҳаларда юксак салоҳият эгаси эканини яхши билади. Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи урин тутувчи давлатдир.

Музокараларда ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш билан бирга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, диний айирмачилик ва террорчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳарбий масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида ҳам сўз борди.

(ЎЗА)

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ



Пойтахтимиздаги муҳташам “Юнусобод” спорт мажмуида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Осиё ўн учинчи чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ушбу мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Ҳ.Кароматов очди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор бериллаётгани бугунги кунда барчага аён, дейилди маросимда. Сўнгги йилларда юртимизда ўтказилаётган нуфузли мусобақалар сонининг ортиб бораётгани бу борадаги ютуқларимиз жуда салмоқли эканидан далолат беради. Куни-кеча мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовга Халқаро ҳаваскор курашчилар едерациясининг /ФИЛА/ олий мукофоти - “Олтин маржон”нинг топширилиши мамлакатимизда спортни тараққий эттириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бугун жаҳонда тан олинаётганининг яна бир далилидир. Таъкидлаш керакки, бу мукофотга давлат раҳбарлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти муносиб кўрилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга

чиққан ФИЛА Бош котиби Мишел Дюссон шундай улкан турнирнинг ўтказилишига яқиндан ёрдам бераётгани, спортни ривожлантиришда улкан ишларни амалга ошираётгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда халқаро миқёсдаги катта спорт мусобақаларининг муваффақиятли ўтаётгани бу мамлакатнинг ҳар қандай йирик турнирлар мезбони бўлишга қодирлигини бутун дунёга намоён қилмоқда, деди у.

Тошкентда бошланган мазкур чемпионатга эса қитъамизнинг ўн бешга яқин давлатидан энг кучли курашчилар ташриф буюрган. Улар орасида Хитой, Жанубий Корея, Япония сингари жаҳонда эркин ва юнон-рум кураши бўйича етакчи ўринда турадиган мамлакатлар вакиллари бор. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур биринчиликда аёллар ҳам илк бор гиламга чиқади.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

Суратда: Полвонлар беллашуви (ЎЗА)

Республикамиз Президентининг адашган кишиларни кечириш ҳақидаги давлатидан сўнг кўплаб ёшлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, тавба-тазарру билан маъмурий идораларга келмоқда. Афсуски, яратилган бундай имкониятдан фойдаланиб, яъни ўз хатоларини тан олиб, тўғри хулоса чиқариш ўрнига, ўзларининг мустақил ташкилларидан қайтмаган шахслар ҳали ҳамон борлиги маълум бўляпти.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Тошкентнинг Юнусобод тумани, 13-мавзесидаги "Янгиобод" маҳалласида яшовчи, "Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш норасмий мустақил ташкилот" аъзоси Маҳбуба Қосимованинг хонадонидан Равшан Ҳамидов исмли шахс қўлга олинди. Р.Ҳамидов ёш ҳамюртларимизни алдаб, уларни яширин равишда Афғонистон ва Тожикистондаги ҳарбий лагерларга жўнатиш билан шуғулланган.

Маҳбуба Қосимованинг уйида қарийб олти ой, яъни 1998 йилнинг декабридан яширин тарзда яшаб, мустақил давлатимиз, унинг кон-

ституциявий тузумига қарши иш олиб борган. Хўш, Равшан Ҳамидовнинг ўзи ким? У қардан бу маҳаллага келиб қолган?

Равшан Ҳамидов 1959 йилда Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида туғилган. У ҳам, ўзи-

юборади. Болалар бу кўшни мамлакатда маълум муддат бўлишгач, "тахсил"ни давом эттириш мақсадида, Афғонистонга ўтадилар. Шу тариқа ўсмирлар йигирма йилдан буён уруш кечаётган бу нотинч юртда террорчилик ишларига

ён кўшнимиз киму нима иш билан машғул юрганни билмасак?

Юнусобод туманидаги "Янгиобод" маҳалласида ана шу кўнгилсиз воқеага бағишланиб ўтказилган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди. Йиғилишда

ҳамда Маҳбуба Қосимованинг ҳаракатларини Ватанга хиёнат сифатида қораландилар. Улар шу маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир кишини хушёрликка, огоҳликка, бутунги тинч-осойишта, гўзал ҳаётнинг қадрига етиш ва ҳимоя этишга чақирдилар.

Йиғилишда халқимизни ҳеч ким ва ҳеч қандай ёвуз кучлар қўрқита олмаслиги, ҳеч ким уни танлаган йўлидан қайтара олмаслиги, мустақиллигимиз, тинч ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайини қирқиб зарурлиги таъкидланди.

Маҳалла аҳолиси ўртасида мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги юзасидан муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Р.Ҳамидов эса... Халқимиз билиб айтади: ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидир. У ҳам энди одил суд олдида қилмишлари учун жаवоб беради. Жазосини олади.

Т.Ботирбеков,
ЎЗА мухбири

Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидир

нинг кўплаб тенгқурлари қатори фойдали ижтимоий меҳнат билан шуғулланиши, эл-юртга наф келтириши мумкин эди. Афсуски, у бундай қилмади. Давлатга қарши фаолияти учун ўтган йили Фарғонада устидан жиноий иш қўзғатилган эди. Лекин у жиноий жавобгарликдан қочиб, хотини ва болачақасини ўз ҳолига ташлаб, Тошкентга келади.

Дарвоқе, у 1990 йилда юқорида номи зикр этилган Маҳбуба Қосимова билан танишган. Равшан Ҳамидов ўгли Шорухни ва жияни Ўткирни "сизлар таниқли спортчи бўласизлар", деб алдаб, 1997 йили Тожикистонга гўёки "ўқиш"га

фаол жалб этилади. Улар кўпурчилик бўйича турли жанговар ҳарбий машқларда қатнашадилар. Шорух ҳозир ҳам Афғонистонда.

Равшан Ҳамидов яшириниб юрган маскан Маҳбуба Қосимованинг уйи тинтув қилинганда, бу ердан жанговар граната, кўп миқдорда гиёҳвандлик моддалари, конституциявий тузумимизга қарши кўпурчиликка даъват этувчи варақалар, диний экстремистик фаолиятни тарғиб қилувчи китоблар топилди.

Энди бир савол туғилади: бу воқеа маҳалла-куйнинг бефарқлиги, эътиборсизлиги оқибатида юз бермадими? Наҳотки,

туман ҳоқимлиги, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ички ишлар ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлганларнинг яқинлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққан республика "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Юнусобод тумани ҳоқими Ш.Пахрутдинов, маҳалла оқсоқоллар йиғини раиси Н.Ҳамидов, маҳалла фаоли Каромат Азизова, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг тергов бошқармаси бўлим бошлиғи З.Ҳолмухамедов ва бошқалар Равшан Ҳамидов

Кеча мамлакатимиз ўқув юртларида сўнгги кўнғироқ янгради



Сўнгги пайтларда ўқув йили тугаши арафасида Термиз шаҳри мактабларида таъмирлаш ишлари баҳонасида ўқувчилардан пул йиғиб олиш одатий ҳолга айланиб қолди.

Ана шу ғалати одатга кўра, ҳар галги "мавсум"да ўқитувчилар ота-оналарни мактабга таклиф қилиб, синфхоналарни таъмирлаш учун турли бўёқлар, оҳак ва цемент, умуман, қурилиш ашёлари кераклигини, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун усталар, усталар билан ҳисоб-китоб қилиш учун эса, ўз навбатида, маблағ зарурлигини, қолаверса, эшик-деразаларга ҳам пардаю-дарпардалар лозимлигини қайта-қайта ўқдиришади. Сўнгра юқорида тилга олинган сарф-ҳаражатлар пулга

чақилиб, ҳосил бўлган умумий маблағ миқдори синфдаги ўқувчилар сонига қараб тақсимлаб чиқилади.

— Бир эмас, уч нафар фарзандим мактабда ўқийди, — дейди термизлик фуқаро Н.Холова. — Мактабдагилар болаларимиз орқали нуқул пул сўратавериш, безоримизни чиқариб юборишди. Ўтган куни таъмир ишлари учун деб тўнғич фарзандимга 800 сўм, ўртанчасига 600 сўм, кенжасига 550 сўм пул берган эдим. Кеча эса мактабни битираётган тўнғичимдан "ўқитувчиларга совға учун" деб яна 500 сўм сўратишибди. Бу аҳволда оладиган 3 минг сўм маошимни рўзгорга қандай етказишга ҳайронман. Гапнинг ростини айтсам, илгарилари "ҳа майли, замон оғир — ша-

роит қийин, болаларимиз учун ёрдам берайлик", деб топганимизча пул беришдан оғринмас эдик. Худога шукрки, яқин орада мустақил бўлганимизга ҳам саккиз йил тўлади. Қийинчиликлар аста-секин барҳам топяпти. Шундай экан, бундан буён ҳар хил "пул йиғди"ларга чек қўйишса булармиди. Ҳар ҳолда, мактабни таъмирлаш ишлари учун давлат маблағ ажратади-ку?!

Дарҳақиқат, юртимизда келажак авлод таълим-тарбияси давлат эътиборидаги муҳим масала саналади. Ҳамюртларимизнинг ўрнили эътирозларига келсак, афсуски, бу ҳақда Халқ таълими соҳасининг Термиз шаҳридаги ҳамда вилоятдаги раҳбарларига маълум қилинганига, ушбу ташвишли ҳол маҳаллий газеталарда такрор-такрор танқид тигига олинганига

ҲАЛИ БАХШИЛАРИМИЗ БИСЁР

Термиз шаҳрининг Маннон Уйғур номидаги драма театри биносидан республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улугбек номидаги жамғармаси, Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-услубият маркази Сурхондарё вилоят ҳоқимлиги билан биргаликда Ўрта Осиё республикаларидан келган бахши-шоир ва оқинлар иштирокидаги биринчи халқаро фестивал ўтказилди.

Ўтказилган беллашуларда Хива шаҳридаги 5-муסיқа мактаби қошидаги "Достон" фольклор-этнографик дастаси

ёш бахши-шоирлар гуруҳи ўртасида Олий ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, Сирдарёлик Дилмурод Гулмуродов ҳамда Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридан келган Исломжон Исломов "Фестивалнинг энг ёш ижрочиси" соvrинига лойиқ деб топилди.

Тадбир давомида бахши-шоир ва оқинларнинг "Алпомиш" достони асосидаги мушоираси, "Юрт ичра кезмоқда достон" мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Кўрик-фестиваль голибларнинг театрлаштирилган сахна томошалари билан якунланди.

Хусан Иброҳимов

Фестиваль якунланди

"Андижон баҳори - 99" халқаро театрлар фестивали ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган бу улкан санъат байрами доирасида ижодий учрашувлар ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари бўлиб ўтди.

Фестиваль якунига кўра, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театри шоир Усмон Азим асари асосида яратган "Кундузсиз кечалар" спектакли биринчи ўринни эгаллади. Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театри Зиё Нажимий асари асосида сахналаштирган "Занжирибанд шер" спектакли иккинчи, Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон вилоят муסיқали драма ва комедия театри Тулан Низом асари асосида томошабинлар ҳукмига ҳавола этган "Чўлпон" драмаси учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Энг яхши драматург, режиссёр, актёр ва расомларга махсус мукофотлар топширилди.

К.Низомов, ЎЗА мухбири

СОЛИҚНИНГ "ЯНГИ ТУРИ"...МИ?

Сўнгги пайтларда ўқув йили тугаши арафасида Термиз шаҳри мактабларида таъмирлаш ишлари баҳонасида ўқувчилардан пул йиғиб олиш одатий ҳолга айланиб қолди.

роит қийин, болаларимиз учун ёрдам берайлик", деб топганимизча пул беришдан оғринмас эдик. Худога шукрки, яқин орада мустақил бўлганимизга ҳам саккиз йил тўлади. Қийинчиликлар аста-секин барҳам топяпти. Шундай экан, бундан буён ҳар хил "пул йиғди"ларга чек қўйишса булармиди. Ҳар ҳолда, мактабни таъмирлаш ишлари учун давлат маблағ ажратади-ку?!

қарамасдан, аҳвол ҳозирча ижобий томонга ўзгармапти. Аксинча, эндиликда бу тахлит "пул йиғиш касаллиги" бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳар, қўрғон ва қишлоқлардаги айрим мактабларда ҳам аҳён-аҳёнда учраб қолаётгани ҳақида гап-сўзлар қулоққа чалина бошлади. Бундай нохуш ҳодисалар, табиийки, жойларда нафақат ота-оналарни ноқулай вазиятда қолдирмоқда, бал-

ки кўплаб софдил ва ҳалол муаллимларни ҳам ҳижолатга қўяётир. Халқ таълими вазирлигидаги мутасадди жаноблар мактаблардаги ана шундай номаъқулчиликлардан хабардормикан?..

Б.ЖУМАЕВА,
"Туркистон-пресс"
мухбири.

Сурхондарё вилояти

Газета саҳифаланаётганда:

Юқорида тилга олинган масала юзасидан Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Шукр Пўлатовнинг маълумот беришича, ота-оналар фақат ўзларининг танаббуслари билангина мактабнинг таъмирлаш ишларига қўмақлашлари мумкин.

Бу ҳолда ўқитувчилар эмас, балки мактаб қошида тузилган ота-оналар қўмитаси ихтиёрий равишда тўпланган маблағлар қирим-чиқими билан шуғулланади, дейди вазирлик вакили.

"Туркистон-пресс"

Чимилдик

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 1999 йил 26 май № 27

Ўзингни бос, Махминотка, - деди у. - Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламуз ҳам маст эканми ўзингни бос, Махминотка - деди у - Шу ишни билмай қилиб қўйибман. Иккаламуз ҳам маст эканми. Мени кечир. Бўёқдан хотиржам бўл.

Қ А С О С

Газетанинг 1999 йил 19 май сонидagi "Чимилдикдаги жиноят" деб номланган мақолани ўқиб, бундан 3-4 йил аввал маҳалладошимнинг бошидан ўтган воқеа эсимга тушди.

Нафосат ўз оиласига муносиб, бадавлат йигитга турмушга чиқди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди деганларидек, эртасигаёқ у ҳақда маҳаллада дув-дув гап бўлди: "Йигитнинг капаси куйибди", "Дардини тўйдан олдин айтса бўлмасмикан", "Йўғ-э, ақлли қиз эди-ку".

Хуллас, қизини берган отадан "Чимилдикдаги жиноят" каби қудалар келиннинг ўрнига синглисини сўрашади. Бундан даргазаб бўлган ота тўй ҳаражатларини икки баравар тўлаб, қизини олиб кетади. Шу кетишда тўғри туман акушер-гинекологига учрашади. Шифокорлар текширувидан қиз бокира чиқади. Қулоқларига ишонмаган ота, яна ишонч ҳосил қилиш учун қизни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига олиб боради. Улар ҳам худди шундай ташҳис қўяди ва тасдиқловчи ҳужжат беради. Уйга қайтгач, навбат амма, холаларга келади. Улар Нафосатни ўртага олгач, бор ҳақиқатни таг-тубига етишади. Эшик ортидан эшитиб турган она, қизини шунчаки эрмак қилиб, бутун маҳаллага юзи қаро қилган йигитни қарғай-қарғай ҳушидан кетади. Бўғзига жони қадалган ота, бунинг сабабини тушунади.

Бир вақтлар ўзаро келишмаган ота-боболар низоси, кўпол қилиб айтганда ўчи бир бегуноҳ қизнинг бахтини қаро қилиш билан олинмоқчи бўлади.

М.СУВОНОВА,
Қизилтепа тумани

Уйланганимга атиги бир ой булди. Шу пайтда ёш келин-куёвлар асал ойини ўтказиши керак. Менинг эса дардим булакча. Қандай қилсам касалимга шифо топаман? Ёшлигимдан белимнинг тепасида оқ доғ бор эди. Дастлаб эътибор бермадим. Духтир амаким витамин етишмаслиги учун шундай булган, ўзи тузалиб қолади, деди. Шу-шу бу доғга бепарво қарадим. Уйланганимдан сўнг эса... Тўғрисини ёзаман, хотиним мен билан бирга ётишга унамаяпти. Доғим юқиб қолиши мумкин экан. Кейин бўлажак фарзандини ҳам уйлаяпти. Наҳотки менинг касалим шунчалик хавфли бўлса. Ёрдам беринг.

ДАРДИМ БЕДАВОМИ?



Н. Сирдарё тумани

МЕН СЎЗГА...

Турғун билан бундан етти йил олдин танишгандик. Бир-биримизни жуда севардик... Шайтон йўлдан уриб, бир кеча бирга тунадик. Шу-шу ҳаётим издан чиқиб кетди.

Шарманда бўлишдан қўрқиб соат эмас, дақиқа санаб, Турғунни кутардим. Дўконда ишлагани учун унинг баҳонаси кўп эди. Ҳали комиссия келди, ҳали мол олишга кетдим, деган хабар жўнатарди. Ишхонасига ахтариб борсам ҳам тутқич бермасди. Ич-этимни еб, бировга бу шармандачиликни айтмай, олти ой номардни изладим. Худонинг ҳам менга раҳми келдими, ўзимда ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. Фақат бир умрга қари қиз, деган тамға олдим.

Ҳозир ҳам уйимизга совчилар келиб турибди. Аммо "қиз бола" бўлиб бировни алдаб турмушга чиқишни хоҳламайман. Бир марта бетсиз йигитга учраб кўрадиганимни кўрдим. Бошқаси нима қиларди.

НАРГИЗА

ЙИГИТЛАР БИЛАН ТАПЛАШМАЙМАН

Оиламизда отам жуда қаттиққўл эди. Шунинг учун кўшнilar тугул бир партада ўтирадиган синфдош болалар билан ҳам гаплашмасдим. Мени ҳамма "ёввойи қиз" деб атарди. Ўқишга ҳам ана шу ўғил болалар борлиги вазидан отам қўймади. Хуллас, ёлғиз акамдан бошқа йигитлар билан гаплашмаганман.



Бир куни ишдан қайтаётсам бир бола келиб қишлоқдошимиз Қосим аканинг қаерда туришини сўради. Бунинг отам кўриб қолиб онамни роса калтаклабди. Ахир у йигитга бир оғиз ҳам сўз айтмаган эдим-ку... Қачонгача отам менга тазйиқ ўтказди? Менинг ҳам кимдир севгим, ким биландир гаплашгим келади.

Н.

Мактабни битирганимдан кейин тикув цехига ишга кирдим. У ерда ҳам нуқул қизлар

ланмоқчи эдим. Бу гапни эшитган Н. агар тўйим бўлса, ўз жонига қасд қилишини айтди. Икки ўт ораси

ИККИ ЎТ ОРАСИ



тимда Н. исмли бир ўқувчи қиз мени севиб қолган экан. Мактабни битирганидан сўнг менга кўнглини ёзиб, "севишини" айтди. Яхши кўрган қизим борлигини рўй-рост тушунтирдим. Лекин Н. севгисида қатъий туриб олди.

Мен ўз севган қизимга уй-

сида қолдим, лекин барибир ўз севган қизим билан тинч яшашни хоҳлайман.

Ҳурматли "Чимилдик" сенадан илтимосим шу муаммони ечишга ёрдам берсанг Газетхонларнинг маслаҳатига муҳтожман.

Анджон вилояти, Избоскан тумани



ТАҚИНЧОҚ ЭМАС, ТАРБИЯ КЕРАК

Ногоҳ автобусда кетаётган икки аёлнинг суҳбатига қулоқ тутдим. Бири ўғлини уйлантирганига икки ой бўлибди. Келини ҳадеб уйидаги гапларни онасига айттавериб, икки қуда орасига совуқчилик туширган. Оқибатда катта жанжал чиқиб келини кетиб қолган. Қайнонаси келинини олиб келишга борса, келиннинг онаси "Тор қорнимга сиққан қизим кенг уйимга сизгамай-дими? Ҳеч қаерга бормайди, эр, қайнона шунақа бўладиган бўлса қизим эрсиз ўтсин-ей!" деган гапларни айтиб, уларнинг қўлини бўш қайтаради. Орага қўни-қўшни, маҳалла-қўй аралашса ҳам натижа бўлмайди. Афсуски, ҳаётда мана шундай тақдирлар ҳам учраб туради. Баъзи бир оналарнинг ўз фарзандларини энгил ҳаётга ўргатиб қўйиб, ҳаддан зиёд эркалатиб юборгани сабабли энди илдиэ отаётган оила барбод бўлади. "Қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, янги хонадонга борган бундай қизлар кўникиши қийин бўлади.

Йигит ҳам ёмонотлиг бўлиб қолади. Энди унинг онаси бошқа қизнинг эшигига борса, ҳеч ким унинг боласида айб йўқлигига ишонмайди. Яхши бўлса келини кетиб қолармиди, деган гапларни айтишади.

Мен истардимки, оналар қизларига ҳадеб сеп, чет эл кийим-кечаклари-ю, қатор-қатор тилла тақинчоқлар йиғмасдан, оз бўлсада, ҳаётнинг оғир-енгилликларидан ҳам хабардор қилиб туришса ёмон бўлмасди. Қиз болаларнинг турмуш қуриб, ўша ерда қўша қариб кетишида авваламбор оналарнинг роли катта бўлади.

НУРЖАҲОН, Пекент

саги ўз ширдани ва овози билан устунроқ гикди. Навбатдаги қадаҳни мистер Доининг саломатлиги ва онад жори учун

МЕН
ВА У

— Севги сизнингча нима?

— У инсон қалбига Аллоҳ томонидан ташланган чўғ, Бир чўғки, ҳаммага ҳам насиб этмайди. Купинча ёшлар адашиб, оддий ҳавасни севги деб уйлаб шоша-пиша турмуш қуради. Лекин тез орада оила си бузилади. У ҳақиқий муҳаббат бўлмагани учун ҳам синовларга дош беролмайди.

— Биринчи муҳаббатдан кейин ҳам буюк севги бўлишига ишонсизми?

— Ишонаман. Биринчи муҳаббат менимча купинча узоқ давом этмайди, у ҳаёт тусиқларига чидай олмайди. Шунинг учун бўлса керак, биринчи муҳаббати билан бахтли бўлиб кетганлар кам.

— Сиз биринчи муҳаббатингизни эслай оласизми?

— Мен айна севги нашидасини суриш мумкин бўлган даврда мактабда ўқир, синфдош йигитлардан бир ёш каттароқ эдим. Шу боисми, уларга куп-да эътибор бермаганман. Ўқишдан ташқари мусиқа билан ҳам шуғулланар, шунинг учун бошқа

нарсалар ҳақида уйлашга вақтим бўлмасди. Тўғриси, ўғил болаларга ўхшаш феъл-атворим бор эди.

— Синфдошларингизчи? Улар сизга севги изҳор этишганми?

— Кўп марта, аммо шарткироқ бўлганим учунми, улар ёзган мактубларга оғзаки рад жавобини берардим.

— Энди афсус қилмаяпсиз-

ни қидириб тополмай юрган экан.

— Сизнингча, фироқ афзалми ёки дийдор?

— Дийдор қадрига етишиш учун фироқ зарур. Агарда меъёрида бўлса фироқ дийдор қадрини кўтариб, севгини ёшартириб туради.

Соғинган одамингизни кўтиб олган пайтингиздаги шодликни ҳеч нарсага тенг-

Ҳасиба АБДУЛМАЕВА: СЕВГАТ ОДАМ КЕЧИРАДИ

ми?

— Йўқ. Ҳаётда уз севгимни топдим, бахтли оила бекасиман.

— Севгингизни қандай учратгансиз?

— Мактабни битиришимиз арафасида маҳаллаимизга Бокудан кўчиб келган озарбайжон йигитлар гуруҳ очибди, яхши кўшиқ айтarkan, деб эшитдим. Синфдошлар билан бориб, Элдор деган йигитга учраб, уларни битирув оқшомига таклиф этдим. Аммо сизларга берадиган пулимиз йўқ, дедим. Элдор кулиб кўйди. Кечада мен ҳам 2-3 та кўшиқ айтдим. Уша йили институтга кира олмадим. Мактабда ашуладан дарс бера бошладим. Тасодифан анча ойлар ўтгач, у билан учрашиб қолдим. Элдор биздан икки ҳовли нарида яшашига қарамай, мени бутун шаҳар-

лаштириб бўлмайди.

— Севган одамингиз хатосини кечира оласизми?

— Кечирим мумкин. Аммо севган одамим кўнглимни сотса кечира олмайман. Қийин пайтда севгилисини ташлаб кетиш хойнлик.

— Рашка муносабатингиз?

— Муҳаббатда тоза, беғубор рашк тарафдориман. Рашк аслида севгини ардоқлашдир. Баъзи эркаклар хотинларига ишончсизлик билан қараб, таҳқирлашади... Рашксизлик — севган кишингга лоқайдсизлик, деб биламан.

— Севишганлар бирга яшашлари шартми?

— Менимча шарт. Аммо мен кимнидир севиб қолдим, деб оиласини, фарзандларини ташлаб ке-



тадиганларни ёқтирмайман. Бироқ бирга яшай олмасанг ҳам севгингга ҳам, оилангга ҳам садоқатли бўлиб яшаш учун ўзингда матонат топа олишинг керак.

— Нега муҳаббат ҳақида куп куйлайсиз?

— Чунки муҳаббат одамни фақат яхшиликка, эзгу ишларга ундайди. Севгига дучор бўлган

одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, у кечирувчан, меҳрли бўлади.

— Севмаган одам севги ҳақида яхши куйлай оладими?

— Йўқ. Билиниб қолади. Севмаганнинг носаси бошқача чиқади...



Х асрда Балх шаҳрида яшаб ўтган истеъдодли шоира Робиа Балх амира Каъбнинг қизи эди. Қиз жуда соҳибжамол ва оқила бўлиб, тим қора жоду кўзлари, найзамисол киприклари ҳар қандай юракка гулгула солар, ақиқ лаблари, марварид тишлари кўрган кишини ром этарди. Беҳато ҳусн ва бунинг устига шоирани латиф таъби унинг овозасини атрофга ёйган эди.

Амир Каъб қизини жуда яхши кўрар, уни бир нафас ҳам ҳаблдан нари кетказмасди. Кечаю кундуз қизининг тақдири ҳақида қайғурарди. Улими яқинлашганини сезган амир бир кунни ўғли Ҳорисни ҳузурига чақирди. У ўғлига қараб деди:

— Синглинг ақли расо қиз. Унга ҳамма ошуфта. Лекин қизимнинг ҳалигача мана-ман деган зодагонлар, аёнларга лойиқ кўрмадим. Энди, ўғлим, мен ҳаёт билан видолашар эканман, унинг тақдирини сенга топшираман. Сен уни ўзига муносиб киши топиб узатгин.

Ҳорис отасининг васиятини мамнуният билан қабул қилди ва синглисини кўз қорачиғидай асрашга ваъда берди. Лекин тақдир уларга қалтис йўлни раво кўрган эди.

Отасининг вафотидан кейин Ҳорис тахтга ўтириши муносабати билан катта шоҳона зиёфат берди. Жаннатни эслатувчи боғда айш-ишрат давом этар, мусиқа садолари янграрди.

Ҳориснинг тахти баланд айвонда жойлашган бўлиб, амир унда кўёшдек порлаб ўтирарди. Марварид шодасидай уни ўраб олишган хизматчилар ва чакарлар хизматда қўл қовуштириб туришарди. Ҳамманинг қалбида қувонч, чехрасида кулгу балқирди. Базм аҳли орасида юлдузлар орасида порлаб турган ойдек, хушбичим кийинган, қора қошли, қора

кўзли, бир кўришдаёқ кишининг диққатини ўзига тортадиган сарвқомат бир йигит ўтирарди. Унинг оти Бектош бўлиб, амирнинг ҳазинабони эди.

Ҳорисни амирлик унвони билан табриклашга келган сарой аҳли ва зодагонлар хурсандчилик қилашарди. Қиз-жувонлар ҳам қасрнинг томи ва тоқу айвонларидан юзларига парда тортиб, базмни томоша қилардилар. Робиа ҳам канизаклари, дугоналари билан қаср томига чиқди. Ва бир бурчакда ўтириб томоша кўра бошлади. Шу пайтда тўсатдан унинг нигоҳи амир билан ёнма-ён ўтириб суҳбат қилаётган Бектошга тушди. Шундай қилиб йигит Робиа кўнглини ўзига ром этади.

Орадан бир йил ўтгандан кейин ишқ дарди қизни ҳолдан тойдиради. У касалманд

БЕКТОШ ВА РОБИА

бўлиб қолади. Синглиси аҳволидан ташвишга тушган Ҳорис уни даволаш учун табиб олиб келади. Аммо ишқ дардига даво йўқ эди. Робиани ёшликдан тарбиялаган меҳрибон, зукко ва доно бир дояса бор эди. Фақат угина қизнинг дардини сезади. Ва ҳамма сирларни билиб олади. Робиа доя хотиндан ўз ишқ достонини Бектошга етказишни сўраб, мактуб беради. Хатни олган Бектош хатнинг мазмунини ва равонлигини санъаткорона чизилган қизнинг расмини кўриб ҳайратда қолади ва жавоб йўллайди.

Орадан анча вақт ўтиб кунларнинг бирини Бектош Робиани боғда танҳо кўриб қолади. Шу ондаёқ унга яқинлашиб, гап ота бошлайди. Бектошнинг бу ҳаракатидан

қаттиқ ранжиган Робиа жаҳл билан унинг кўлини силтаб ташлайди.

Ушбу воқеадан кейин Бектош ноўрин ҳаракатидан уялиб ўзини четга олиб юради. Севгилисидан ранжиган Робиа эса юрак аламларини шеърга тўкиб солади.

Кунларнинг бирида қиз боғда ёлғиз сайр қилиб юрганида севгилисига аталган шеърини овоз чиқариб ўқийди. Буни эса акаси Ҳорис эшитиб қолади. Ва шу кундан бошлаб, синглисидан гумонсирайдиган бўлади.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Ҳорис мулкига ҳисобсиз лашкарлари билан душман ҳужум қилади, қаттиқ жанг бўлади. Бу жангда Бек-

тош ҳам қаҳрамонлик кўрсатар эди. Аммо тўсатдан бошига урилган Ҳорис шамшири зарбидан яраланиб, хушидан кетади.

Худди шу пайт жанг майдонига юзини парда билан яширган бир отлиқ кириб келиб душманни ваҳимага солиб ҳар томон тўзғитиб юборади... Фурсатдан фойдаланган бу қаҳрамон отини яраланган Бектош томонга буради ва уни кўтариб уз аскарлари қўлига топширади. Бектошни ўлим чангалидан халос этган қаҳрамон Робиа эди. Жанг Ҳорис галабаси билан якун топади.

Кунлардан бир кун Робиа Балхга келиб қолган машҳур шоир Рудакий билан учрашиб қолади ва унга шеърларини тақдим этади. Шоир қизнинг илҳомчиси пок муҳаббат эканлигини сезади.

Рудакий Бухорога қайтиб келганида Ҳорис ҳам Бухорога шоҳ ҳузурига келган эди. Шоҳ Ҳорис шарафига катта базм ташкил этади. Базми-жамшидда Бухоронинг барча олим-фузалолари йигилишади. Шунда Рудакийдан шеър ўқишни илтимос қилишади. Рудакий ўз шеърларини эмас, балки Робиа шеърларини ўқиб беради. Ва бу қиз тарихи ҳақида Ҳориснинг мажлисда борлигини унутиб ҳаммага достон қилади. Шунда Ҳорис гўё ҳеч нарса эшитмагандай ўзини мастликка солади. У Балхга қайтгач, пайт пойлаб синглисининг қонини тўкиш, шу билан зоти шаънига кўнган иснодни ювиш пайига тушади.

Бектош ўз севгилисидан келган мактубларни бир ўртоғига кўрсатарди. Хойн дўсти уларнинг ҳаммасини Ҳорисга олиб келиб беради. Ҳазабланган ака Бектошни зиндонга ташлайди. Хизматчиларига ҳаммомни қаттиқ қизитишни, Робианинг қўлларига кишан солиб, қизиган ҳаммомга қамашни буюради. Бу ҳукм ижро этилади. Ҳаммомнинг эшик ва тешикларини лой билан беркитишади.

Ҳолсизликдан лаҳта-лаҳта қон қусган қиз кўрсаттич бармоғини ўз қонига ботириб ҳаммом деворларига шеър бита бошлайди. Ёзишга жой қолмаганда унинг вужудидаги қон ҳам тугайди. Деворда мана бундай битиклар бор эди:

Нигоро сенсиз аҳволим забундир,
Юзим кўнгул қони-ла долагундур...

Ушбу воқеани эшитган Бектошнинг юрак-бағри хун бўлди. У яширинча қамокдан қочади ва Ҳориснинг ҳарамига кириб унинг бошини танасидан жудо қилади. Ошиқ йигит қиз қабрига етиб келади ва ханжар билан юрагини тилиб азиз ёр ёнидан жой олади.

Фариддин Атторнинг
"Илоҳийнома" сидан



ҳолатга ҳеч қачон тушмасди. Зўрлаш эса бошқа мавзу. Мактабларда, маҳаллаларда акушер-гинекологлар билан ҳамкорликда иш олиб борилса, айтиш мудири бўларди. Чунки шармандали

уйига чақалоқ кўтариб келиши уятдир. Уят эса ўлимдан кучли, дейди халқимиз. Шунинг учун ҳам оналар адашган қизларига болани туғруқхонага ташлаб кетишга даъват этишади. Яқинда

ўзим ҳам қизлар билан яккама-якка суҳбатлашаман, тушунтираман. Етимликдан ёмони йўқ, боласини хор қилиб ташлаб кетаётган оналар меҳрибонлик уйларига бир бориб кўришса ёмон бўлмасди.

— Никоҳсиз фарзандли бўлишни тиббиёт нуқтаи назаридан қандай изоҳлайсиз?

— Бунда ҳомиладорлик жараёни жуда оғир кечади. Чунки бошига шундай савдолар тушган қиз доимий оғир руҳий азобда юради. Кутилмаган, исталмаган зурриёдан фориғ бўлиш учун турли усуллар қўллади, ҳар хил дорилар ичади. Буларнинг бари изсиз кетмайди, албатта. Барча асоратлар, салбий таъсир кўрсатишлар болага ўтади. Табиийки, бўшаниш пайтида она жуда қийналади. Чақалоқ ҳам носоглом бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда инсон саломатлигини ҳимоя қилиш биз шифокорларнинг бурчидир.

— Никоҳсиз она бўлган қизлар ўз фарзандларидан воз кечиши осонмикин?

— Юқорида таъкидлаганимдек, суҳбатлар натижасида кўплар боласини олиб кетади. Ундай қилмаса, ҳуқуқшуносни чақирамиз. У ўша боласидан воз кечиши ҳақида тилхат ёздириб олади. Тилхатга асосан болани бир умр қиз ўзига қайтара олмайди. Яқиндагина бир аёл келди, у роппа-роса йигирма йил аввал ўз боласидан воз кечган экан. Энди эса ўша боланинг тақдири билан қизиқиб, уни олиб кетиш учун келибди. Унинг кўз ёшлари киши дилини вайрон қиларди. Лекин ўша аёлдан жуда нафратландим, у билан ҳатто гаплашишни истамадим. Боласини қайтариш у ёқда турсин, ҳатто маълумотларини ҳам бермадик. Бермаймиз ҳам! Токи бу бошқалар учун сабоқ бўлсин.

Хулоса ўрнида:

Қўлида қоғоз пакет кўтарган йигит юқори қаватга қараб қичқиради:

— Гуноз, қизимизнинг исмини Дилноза ёки Эъзога қўй, шуниси оҳанглироқ... Ишқилиб, исковидан бирини талла...

Муҳаббат ўткинчи ҳаваслар билан эмас, ўзаро ҳурмат, бошқаларнинг ҳаёти, келажаги олдидаги катта масъулият билан ўлчанади. Дастлаб арзимас бўлиб туюлган "қўнғилхушликлар" эса инсон тақдирига чизиқ тортиб юбориши ҳеч гап эмас. Зеро, ўзгаларни алдаш — ўзни алдаш демасди.

НОЗИМА

ЕНГИЛТАКЛИКНИНГ



Коллаж муаллифи Абдуманнон АЛИМБОЕВ

О Қ И Б А Т Л А Р И

Ҳаётга енгил қараш баъзан кишининг мутлақо кечириб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига сабаб бўлади. Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 6-туғруқ мажмуасига борганимда ёш оталарнинг оламга сиймаган севинч-ла яқиндагина туғилган фарзандларини интизорлик билан кутаётганларини кўриб, ҳаяжондан энтикиб кетдим. Лекин... мен кўтармоқчи бўлган мавзу афсуски бу ҳақда эмас.

Шоли курмаксиз бўлмайди, дейдилар. Туғруқхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Зарифахон АБДУЛЛАЕВА билан суҳбатимиз ана шу "курмаклар" ҳақида эди.

— Зарифа опа, гоҳида айрим қизларимиз ўз енгилтакликлари оқибатида боши берк кўчага кириб қолишяпти. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?

— Афсус билан айтишим керак, камдан-кам бўлса-да, бироқ қизларнинг никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолишлари учраб туради. Уларнинг ёшлари 16-20 яшар. Билмадим, қизларни шу кўйга солган йигитларни "йигит" деб аташ мумкинмикин?.. Тасаввур қилинг, уйланаман деб бировни алдаб қўйган. Қиз эса бир неча ой илгари жинсий алоқада бўлганини, ўзининг ҳомиладорлигини жуда кеч англаб етади. Ахир қизлардаги ой кўриш жараёни ўз-ўзидан тўхтаб қолиши мумкин эмас-ку!

— Бунга кўпроқ ким сабабчи деб ўйлайсиз?

— Бунда аввало, ўша тубан йигитнинг, қолаверса қизнинг ота-онаси, мактаб жамоаси, шифокорларнинг ҳам айби бор. Ундан ташқари агар қиз болада жинсий алоқага мойиллик бўлмаганда, у ўз эс-хушини йиғштириб олганда, шундай уятли

ҳолатга тушган қизларнинг аксарияти аёл организмнинг физиологиясини мутлақо тушунмайди.

— Кўпроқ қандай тоифадаги қизлар шундай муаммоларга дуч келиб қолади?

— Ота-она назоратидан, меҳридан бебахра қолганлар, моддий етишмовчиликдан кўра кўпроқ маънавий қашшоқ, уруш-жанжалли оилада улғайган, баъзан отаси йўқ қизлар ўз бошларига шундай балоларни орттириб юришади. Сир эмаски, ўзбекчиликда қиз боланинг

шифохонамизга қашқадарёлик 21 ёшли талаба қиз юкли бўлиб келди. Бир йигитга кўнғил қўйган, учрашиб юришган. Айтишига қараганда, бир-бирларини қаттиқ севишган, йигит эса уни уйланаман, деб алдаб кетган. Аввалига қиз фарзандини ташлаб кетмоқчи эди, бола туғилгач меҳри товланиб, уни ўзи билан олиб кетди.

— Айттайлик, шундай ҳол юз берди. Шифокорлар қандай чора кўришади?

— Шифокор-доялар ҳам, менинг

ФАРЗАНА КЎРГИМ КЕЛАДИ

Бола бўлмасликнинг сабаби ё эр уруғида ёки хотин уруғида, ёхуд бачадон аъзоларида, бўлади. Баъзан ғам, хавф, бош оғриқлари, хазм кучсизлиги ва меъда бузилиши каби бошланғич (аъзолардаги) сабабдан ёки (алоқа вақтидаги) тасодифий хатодан бўлади.

Уруғдан булган сабабга келсак, бу туғдириш қувватига тескари, иссиқ ва совуқ мижознинг бузилиши, (уруғ мижозининг совуқ бўлиши), ёки (уруғ мижозининг) ҳул ва қуруқлигидан иборат бўлади. Бунинг сабаби эса мувофиқ келмайдиган озиқлар ва нордон нарсалардир, чунки булар (уруғни) совутувчи ва қуритувчилар жумласига киради, гоҳи уруғдаги сабаб туғдиришга моне бўлмайдиган, балки туғди-

ришни қийинлаштирадиган ёки бачадонга келадиган бола озиғини бузадиган мижоз қуруқлиги бўлади. Гоҳи уруғдаги сабаб эр уруғининг хотин уруғига унинг қабул қила оладиганидан бошқача ёки

икки назариядан бирининг айтишича, хотин уруғи ҳамкорлик қила оладигандан булак таъсир курсатишидан иборат бўладики, натижада ораларида бола бўлмайди. Уларнинг ҳар бири бошқа билан алмашинлар, бола бўлиши мумкин бўлади. Гоҳи эр ва хотиннинг ҳар бирида буладиган мижоз бузилиши сабабли уруғлар бир-бирларига мослашмайди; (уруғлар) бир-бири билан эътидолга келмай, балки бузқўликни орттиради. Ундай (эр ва хотин) алма-

шинса, зидлашув билан бир-бирларидати (мижозни) эътидолга келтирадиган ҳолга келиб (уруғлар ҳам) муътадиллашади.

Усмир, маст, меъдаси бузилган, тиришув касали бор,

Ҳомиладор аёлларга жуда ҳавасим келди. Уларнинг ҳам армони бормикин, дея ўйланман. Афсуски, мен беш йилгички бундай бахтли бебахраман.

памаганлик Ж.

"Чимилдиқ"қа шу мазмунда тез-тез мактублар келиб турибди. Уларга жавоб бериш учун буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонуни"га мурожаат этдик.

кўп алоқа қиладиган ва танаси соғлом бўлмаган кишининг уруғлари бола бермайдиган уруғлар жинсидандир; чунки Буқротнинг айтишича, уруғ ҳар бир аъзодан келади ва соғлом (аъзода) соғлом ва касалда касал бўлади. Шу ҳолларнинг ҳам-

маси баъзан иккала уруғда ҳам мавжуд бўлади. Айтишларича, эр уруғининг бузилиши сабабларидан бири ҳали балоғатга етмаган қизлар билан алоқа қилишдир, бироқ бу махсус ҳолларда воқе буладиган нарсалардандир.

Бачадонда буладиган сабабларга келсак, бу уруғни бузадиган мижоз бузилишидан иборат бўлиши мумкин. Бунинг кўпчилиги (уруғни) қотирадиган совуқдан бўлади, масалан, бу ҳол хотинларда (уруғни) совутувчи совуқ сув ичишдан келиб чиқади. Бундай ҳол эр-какларда ҳам бўлади.

Совуқ-ҳул мижозли бача-

донда эрлик уруғида, сизот ерларда экин уруғида пайдо буладиган ҳоллар юз беради; иссиқ-қуруқ мижозли (бачадонда) эса, оҳақ сочилган ерларда буладиган нарсаси юз беради. Бола бўлмасликнинг бачадонга боғлиқ сабабларидан яна бири модда, яъни ҳайз қонининг тўхталиб қолишидир, бу бачадоннинг моддани тортишдан ва етказишдан ожиз бўлганида юз беради.

Туғдириш аъзоларида буладиган сабабга келсак, улар уруғ идишининг кучсизлиги ёки унинг мижозидан пайдо бўлган бузилишдан иборат; масалан, қулоқ орқасидаги венаси кесилган ёки тошни чиқариш учун қовуғи ёрилган кишида зарур туғдириш аъзоларига умумлашади.

Тиб илмининг даҳоси "Бола бўлмаслик ва бўида бўлишнинг қийинлиги" асариде шундай дейди. Шулара асосан, ҳеч тортишмай шифокорга кўришиб, диволашни йўларини қидиришни тавсия этамиз.



XX аср бошларигача Хитой аёлларининг гўзаллик, кўркемлик нишоннаси (айниқса, бой хонадонларда) жажжи оёқчалар (янги ой ёки нилуфар гули шаклини эслатадиган мўъжаз ёйсимон оёқчалар) ва ясси кўкрак ҳисобланган. Бу аломатлар бўлмаган қизларнинг турмушга чиқиши қийин кечган ёки умуман улар остонасига совчи қадам босмаган.

Оёқ ёйсимон шаклини ҳосил қилиши учун қизчаларнинг 6-7 ёшлигида бош бармоқдан ташқари барча бар-

моқларини қайириб, ип билан қаттиқ боғлашган. Ҳар ҳафта иплар таранг тортилган. Бу ҳол оёқлар то ёйсимон шаклга келмагунча давом эттирилган. Бундан қизлар кўп азоб тортишган, ҳатто оёқлар қотиб қолиш даражасига ҳам борган.

Катта ёшдаги аёлларнинг бёқ ўлчовлари 6-8 ёшдаги қизларнинг оёқ ўлчовига тенг бўлган.

амр этади. Раққоса канизак митти гулнинг ичида ўйнаши керак эди. Айтишларича, Яо Нян шунақанги енгил ва нафис рақсга тушадики, аёллар шу кундан бошлаб оёқларига бу каби ип боғлашни ўзларига расм қилган.

Яна бир одат бўйича, Хитой аёлининг қома-ти чиққанда текис бўлиши шарт эди.

Бунинг учун қизларнинг 10-14 ёшидаёқ кўкракларини бўздан қилинган мато билан маҳкам, зич боғлашган. Натижада кўкрак безларининг ўсиши тўхтаган ва организмга кислороднинг келиши камайган. Лекин қизнинг қома-ти чизик каби текис бўлган. Хитойликларнинг гапи бўйича "Гўзалликка эришиш учун бир ҳовуч кўз ёш тўкилиши керак" эмиш.

Чарос НИШОНОВА, талаба

Немис тўйи анъаналари

Ҳозирда аксарият немис тўйларида қадимий анъаналар ва урф-одатлар ҳали-ҳануз сақланиб, эъозланиб келинмоқда.

Деярли барча тўйларда, тўйдан бир ёки икки кун олдин, икки ёшнинг қариндош-уруғлари "йигит йигини" ва "қиз йигини" маросимларини ўтказишади. Унга қиз ва йигитнинг яқин дўстлари, касбдошлари ташриф буюради.

Қизиғи шундаки, немислар ушбу йигинда ҳовли ёки хона эшиги олдида ҳар хил идиш-товоқ ва сопол буюмларини синдиришади. Чунки қадимдан бу халқда "Синиқлар инсонга бахт келтиради" дея таъкидланган.

Йигилган меҳмонлар келин-куёвни бахт билан табрик-лаб, уларга совғалар тақдим этади. Йигин охирида меҳмонлар кенг давра қуриб, хуш кайфиятда рақсга тушадилар.

Тўй куни эса олмонияликлар одатига кўра келин-куёвга нон ва туз тақдим этилади. Шундан сўнг кўпгина ўзбек тўйларида ҳам мавжуд бўлган тадбир амалга оширилади: куёв уй олдида тайёрлаб қўйилган утинни аралашга киришади. Бундан мақсад куёвнинг эпчиллигини синаш ҳамда келажақда ҳаётнинг синовларига тайёр эканлигини билишдир. Шундан сўнг куёв ёрени ўзлари учун ажратилган уй остонасига олиб боради. Кўпгина ёшлар тўйдан сўнг саёҳатга чиқади, улар "асал ойи"ни ҳалақитсиз ўтказмоқчи бўлади.

Нурбек САЛОМОВ таржимаси

ИРИМ ҚИЛМА, ИРИМСИЗ ЮРМА

Халқимиз қадимдан ҳар хил одатлар ва ирим-сиримларга ишониб келади. Иримлар қачон пайдо бўлган, уларга ишонили керакми-йўқми каби саволлар сизни ўйлантириши мумкин. Лекин уларнинг таъбирини билиб қўйиш зарар қилмайди.

Ўнг қафт қичиса пулли бўласиз, чапи қичиса пул кетади.

Тирсақ қичиса — бахт сизникидир. Овқатга ёки чойга пашша тушса — совға оласиз.

Бўйингиз қичиса нохушлик рўй беради.

Оёғингиз қичиши — яхшилик аломати.

Ўнг қош қичиса — нотаниш одам билан учрашув, чап қош қичиса — икки-юзламачиликка дуч келасиз.

Чап кўзнинг учуши — йиғлашдан дарак берса, ўнгининг учуши — кўнглисизлик аломатидир.

Ўнг қулоғингиз қичиса — янгилик эшитасиз.

Лаблар қичиса — ўпишиш белгиси.

Товон қичиса — сафарга чиқасиз.

Мушук ўзини қашласа — уйингизга меҳмон келади.

Кўчага отланаётганда кийим нимага-

дир илинса — ўша манзилга тез етилади.

Меҳмондорчиликда томоққа овқат тикилса — ўша уйга яна борасиз.

Агар ўнг қулоғингиз қизиса — мақташаётган, чапи қизиса — ёмонлашаётган бўлади.

Тилингни тишлаб олсангиз — ким биландир жанжаллашасиз.

Кишининг ўзи кўролмайдиган жойида холи бўлса, у одам бахтли бўлади.

Агар кимки қитиқлашдан кўрқса — у рашкчидир.

Кимки ўз онасига ўхшаса бахтли бўлади.

Кашта тикаётган қиз боланинг қўлига тасодифан игна санчилиб кетса қизни кимдир меҳр билан эслаётган бўлади.

Бордию, адашиб сизни кимгадир ўхшатишса, катта бойликка эга бўласиз.

ЎЗИНГИЗНИ ИДОРА ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?

Таъкидланган гапга қўшилсангиз "ҳа" деган, акс ҳолда "йўқ" деган жавобни чизиб боринг ва кўрсатилган балларни пировардида жамланг. Мумкин қадар самимий жавоб беришга ҳаракат қилинг.

1. Бировларга тақлид қилиш менимча қийин.

Ҳа — 0 балл, йўқ — 1 балл.

2. Бировларнинг диққатини тортиш ёки кайфиятини кўтариш учун кези келса, аҳмоқгарчилик қилишим ҳам мумкин.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

3. Мендан ажойиб актёр чиқиши мумкин.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

4. Бировлар назарида мен ҳалдан ташқари жонсарақман.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

5. Давраларда мен камдан-кам ҳолда одамлар назарига тушаман.

Ҳа — 0 балл, йўқ — 1 балл.

6. Турли вазиятда, турли кишилар билан муомалада ҳатти-ҳаракатим ҳам ҳар хил.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

7. Мен фақатгина чин дилдан эътиқод қилинган нарсаларни ёқлай оламан.

Ҳа — 0 балл, йўқ — 1 балл.

8. Ишларим ва кишилар билан муносабатларим юришиши учун феъл-атворимни ўзгартиришга ҳаракат қиламан.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

9. Мен таъбим кўтармаган кишилар билан ҳам хушмуомалада бўламан.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

10. Мен қандай кўринсам аслида ҳам шундайман.

Ҳа — 1 балл, йўқ — 0 балл.

ХУПОСА

0-3 балл. Сиз ўз ҳатти-ҳаракатингизни назорат қила олмайсиз. Феъл-атворингизни вазиятга қараб ўзгартиришни ўзингизга эл кўрмайсиз. Муомалада самимийсиз. Турли сўзлингиз сабабли баъзилар сизни кўнам ёқтирмайди.

4-6 балл. Ўзингизни ўртача назорат қиласиз. Кўнглингизда кирингиз йўқ, лекин меҳр-оқибатингиз камроқ. Бировлар раъйи билан кўпроқ ҳисоблашингиз лозим.

7-10 балл. Ўз ҳатти-ҳаракатингизни ҳар доим назорат қила оласиз. Ҳар қандай қийфага осонгина кирасиз, вазиятнинг ўзгаришига ҳам тезда мослашасиз. Ҳатто ҳатти-ҳаракатингиз оқибатларини олдиндан билиб иш кўрасиз.

Расмий маълумотларга қараганда Намибияда ўн бир хил элатлар истиқомат қиларкан. Уларнинг урф-одатлари ва никоҳ маросимлари ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Масалан, Оваимба қабиласининг никоҳ маросимлари.

Қадим замонларда лобола, яъни келин учун қалинга — чорва моллари, турли рўзгор буюмлари бериларди. Ҳозир эса бир неча ичимлик лобола ўрнига ўтаверади.

Оваимбаликлар одати бўйича келинни куёвнинг отаси танлайди. У ишни келиннинг ота-онаси билан битиради. Қизнинг хоҳиши ҳеч қачон инобатга олинмайди.

Унаштириш маросимида кўрбонликка қўй сўйилади. Шундан сўнг бўлажак қайнона ва қайнота куёш ботгач куёвнинг кулбасига ташриф буюриб, унинг ҳузурда тиз чўқади. Бу янги қариндошлик алоқаларига ҳурмат белгисидир.

Одат бўйича куёв ва келин бир кулбада танҳо тунаб қоладилар. Аммо улар кўрпа вазифасини ўтаб қолувчи пахол тўшақда алоҳида-алоҳида ётишади.

Эртаси куни эрталаб куёв келиннинг кулбаси яқинида жойлашиб олади, отаси эса тўйга келадиган меҳмонларга таом тайёрлаш учун яна бир қўй

сўяди. Шундан сўнг тўй тантанаси бошланади. Бир гуруҳ эркаклар келинни олиб кетиш учун бақириб-чақириб қўшиқ айтиб, келин жойлашган кулбага бостириб киришга ҳаракат қилдилар. Хотин-қизлар астойдил уларнинг ҳужумига қаршилик кўрсатади. Олишув вақтида рақиблар

ҳатто бир-бирларини ерга қулатиб ҳам юборишади. Бу ҳеч кимни ранжитмаслиги керак. Чунки келин ўғирлаш байрам тантанасидай ўтиши лозим. Мабодо эркаклар қизни олиб

кетилмасин, улар хотин-қизларга товон тўлашга мажбур бўладилар.

Ниҳоят, келин қўлга киритилгач, уни муқаддас гулхан яқинига олиб келишади.

Шу ерда келиннинг отаси қизига ўз пойабзалини кийишга рухсат беради. Энди навбат куёвга келади. Муқаддас гулхан ёнида келиннинг қариндош-уруғларидан ташкил топган аёллар гуруҳи қўлларида каркидон терисидан ясалган қамчи билан куёвни савалайдилар-да, келинни олиб кетишга рухсат берадилар. Шундан сўнг умумий тантана остида келин ва куёв янги ясалган кулбаларига кириб кетиб, тинчгина ҳордиқ чиқаради. Шу билан тўй тантанаси тугаб, меҳмонлар уй-уйларига тарқалади.

Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:

ЛАЙЛО, НАЗОКАТ

ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

Тошкент — Осиё чемпионати мезбони

Тошкентда ўтказилган эркин ва юнон-румо кураши бўйича ХШ Осиё чемпионати бошланиши арафасида матбуот конференцияси бўлди.

Халқаро кураш федерациясининг (ФИЛА) вице-президенти Михай Бира журналистлар саволларига жавоб берар экан, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ХШ Осиё чемпионатини ўтказиш учун Тошкентнинг танлангани бежиз эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўзбек спортчилари халқаро мусобақаларда эришган улкан галабалар билан жаҳон спорт ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллади. Мамлакатда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги сингари нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.

ФИЛА бош қотиби Мишель Дюшон Ўзбеки-

стон мустақиллиги кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақаларнинг юқори даражада ташкил этилгани ҳақида гапирди. Унинг назарида, Тошкентнинг кураш бўйича ХШ Осиё чемпионати ўтказилган жой сифатида танланиши ҳам шу билан боғлиқ. Мишель Дюшон Тошкент ва ундаги спорт иншоотлари билан шунчаки танишиб чиқишнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга жуда қатъиямат берилаётганига амин бўлиши ҳақида тўхталди.

Матбуот конференциясида Осиё чемпионати тийғарлик кўришда ФИЛанинг барча талаблари ҳисобга олингани қайд этилди.

Осиё чемпионати "Юнусобод" спорт комплексида 25-30 май кунлари ўтказилади.

(ЎЗА)

Саккизинчи миллий чемпионатимизнинг қизиқарли ўйинларидан яна бири "Пахтакор" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтди. Майдон эгалари Бухоронинг "Бухоро" жамоасига қарши тўп сурди. Ўйингоҳга тўпланган мухлислар "бу сафар ҳам енгилса-я, наҳотки" деган ҳадик билан ўйинни кузатишган бўлса ажабмас.

Сабаби олдинги тўрт турда жамоа бор-йўғи бир очко жамғаргани холос. Бу гал "Пахтакор" ҳужумкор

НИҲОЯТ, БИЗ КУТГАН ГАЛАБА

Ўйин намойиш эта олди. Қосимов, Писарев ва Шиквирин комбинациялари "Бухоро" дарвозаси олдида ҳавфли вазиятларни вужудга келтира бошлади. Ана шундай ҳолатларнинг бирида жарима майдончасига катта тезлик билан ҳимоячиларни доғда қолдириб, ёриб кирган Писарев тўпни шерикларига узатади. Ўз вақтида етиб келган Шиквирин 29 дақиқада "Пахтакор" ни ҳисобда олдинга олиб чиқди: 1:0.

Биринчи бўлимни мана шундай ҳисобда яқунлаган жамоалар иккинчи бўлимда янада ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Бугало Дастлабки дақиқалардан оқ ҳужумга зўр берган бухороликлар 55 дақиқада ҳисобни 1:1 га тенглаштирдилар. Бугало Муҳсин Муҳаммадиевнинг боши билан йўлаган кучли зарбасини қайтаришга ожизлик қилди.

Ўйингоҳга таширған мухлислар "Пахтакор" дан яна гол талаб қила бошладилар. Олқишлар мадад берди шекилли, орадан етти дақиқа ўтар-ўтмас учра-

ҚАДРИ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИ!

"Туркистон" таҳририяти қошида фаолият кўрсатаётган "Шеърият сабоқлари" мактабининг навбатдаги машғулоти 26 май чоршанба кўни соат 16⁰⁰ да бошланди. Унда сиз тенгқурларингизнинг ижодларидан намуналар тинглаш билан бирга, устоз шоир Рауф ПАРФИНинг наъм таҳлили хусусиданги фикрларидан ҳам баҳраманд бўласиз.

Давраимиз барча мухлислар учун очик!
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 5-қават, 508-хона
"Туркистон" газетаси таҳририяти

"Микас" кубоги пойтахтимизда

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида Япониянинг "Микас" фирмаси кубоги учун ўтказилган волейбол бўйича халқаро турнирда бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Ўзбекистон Волейбол федерацияси бош қотиби Леонид Айрапетяннинг айтишича, Япониянинг волейбол тўпи ишлаб чиқарадиган машҳур "Микас" фирмаси хоризжда ўз кубоги учун мусобақа ўтказишга аҳд қилган ҳамда бу тадбир учун бизнинг мамлакатимизни танлаган.

Турнирда Япония, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар командаси иштирок этади. Мудофаа вазирлиги спорт комплексининг волейбол зали мусобақага муносиб қилиб тайёрланди. Энди у барча жаҳон андозаларига жавоб беради ҳамда мусобақа иштирокчиларини кутиб олишга тайёр.

Мусобақа бугун бошланди.

ЎЗА мухбири

ЗИДАЛАВАН БАРАК БЕРУВЧИ АЁЛ

— Оёғим қизиса Болқонда, унг белим оғривса Эронда, чап қўлим зирқираса Хитойда, кўксим санчиса Японияда ер қимирлайди...

Бу сўзлар Мая Попова исмли гўзал булғор аёлининг башоратлари. У йигирма йил олиб борган кузатишларидан сўнг бирор жойда нохушлик ёки табиий офат рўй беришидан олдин бадани оғриб, фожеадан дарак беришини англаган.

1996 йилда у Болгария Фанлар академиясида олимларга ўзидаги ноёб қобилият ҳақида сўзлаб берди. У ҳақда мамлакат матбуотида ёзилди. Аммо кўпчилик бунга ишонмаган эди. Бироқ, у шу йил 7 ва 22 мартда Греция ва Руминияда, 5 апрелда Туркияда бўлган зилзилаларни ҳатто неча балл бўлишигача олдиндан башорат қилганидан сўнг, унинг ноёб қобилиятига тан беришди.

Мая ҳозир Америкага бориб, энг қудратли компьютерлар ёрдамида ўзини текширтириб, табиатнинг унга қилган бундай танлиги сабабларини ўрганмоқчи.


ЎҒРИГА "ТОЙОТА" ҚУДАЙ

Америкалик ўғрилар қимматбаҳо, серҳашам "Кадиллак" ва "Линкольн" русумидаги эмас, балки нисбатан арзон ҳисобланган Япониянинг "Тойота" лариға кўпроқ ошиқ экан. Улар кўпроқ 1990 йилда чиқарилган "Тойота камри", агарда иложини қила олмаса шу русумдаги уловларнинг 1988 ва 1989 йилларда тайёрланган турларини ўғирлашар экан. Шунингдек, японларнинг "Хонда-аккорд" русумидаги машиналари ҳам ўғрибоп ҳисобланади.

Бунинг сабаби 1990 йилларда Япония автомобиллари Америкада харидорғир бўлган. Жуда кўп миқдорда сотилган. Шу боис ўғирланган бундай уловларни эҳтиёт қисм сифатида бўлиб-бўлиб сотиш анча осон.

"БЕЧОРА" ГЕЙТС

Англиялик миллиардер Билл Гейтсининг мол-мулки шунчалар тез кўпаймоқдаки, у яна олти йиллардан сўнг Буюк Британиядек мамлакатни ҳам сотиб олишга қурби етса ажаб эмас. Англияда чиқадиган "Дейли стар" газетасининг ёзишича, "Майкрософт" компаниясининг соҳиби бўлган бу шахс зарурият туғилса НАТОнинг Сербияга қилаётган ҳужумига сарф эти-



лаётган барча маблағни 5 йил муддатга ўзи қоплаши ҳам мумкин. Бироқ, бойлигини урушга эмас, балки инсонпарварлик мақсадларига сарфлашни ёқтиради. У косоволик қувғиндилар учун бир ярим миллион доллар хайрия қилди.

Мутахассислар ҳисобига кўра, Гейтс мол-мулкни қоғоз пулга айлантириб тахлаб чиқсак, 27 километр баландликда минора ҳосил бўларкан.

Гейтс ишлаб чиқараётган маҳсулотлар дунёдаги 90 фоиз компьютерларга қўйилган. Гейтсни кўрган одам у миллиардер эканлигига ишонини қийин. Фижимланган костюм-шимда юради, кам овқат ейди, камтарона ҳаёт кечиради. Аммо зарур бўлса Леонардо да Винчининг битта асарини 29 миллион долларга сотиб олиши ёки биотехнология соҳасидаги изланишлар учун миллионлаб доллар маблағ сарфлаши мумкин.

ЯҲУВУЙЛАР 40 СӨАТ

ЎРАШШШШ

Исроиллик йигит ва қиз узоқ ўпишиш бўйича дунё рекорди ўрнатди. Тиш пасталари ишлаб чиқарадиган "Колгейт-Палмолив" компанияси ўтказган бундай беллашувда 250 жуфтлик қатнашди. Уларнинг сафида 30 соат 45 дақиқа ўпишган жуфтлик голиб бўлди.

Йигит ва қиз бу муддат ичида гапирмадилар, овқатланмадилар ёки бошқа бирор эҳтиёж учун ўрнидан қўзғалганлари ҳам йўқ.

МАРҲУМ ТӨБУТНИ ӨҮСТИГА ИЛДИ

Руминиялик чўпон Петр Василас қазо қилди. Уни сўнгги йўлга кузатиш учун дастурхон тузалди, урф-одатга кўра ичимликлар ичилди. Марҳум ортилган автобус қабристон томон йўлга тушди. Шу пайт мулошдан катта тезликда чиқиб қолган юк машинаси автобусга урилди. Зарбдан Василас солинган тобут ағдарилиб кетиб... марҳум тирилди. Аниқланишича, Василас қаттиқ уйкуга кетган, яқинлари эса уни ўлдига чиқариб, оху вох билан қабрга олиб кетаётган экан.

Бироқ тобут буш қайтмади. Машина тўқнашуви оқибатида автобус ҳайдовчиси — марҳумнинг дўсти ҳалок бўлди. Ҳамқишлоқлар кўп ўйлаб ўтиришмади, қабр қазилган, тобут ҳозирланган, шу сабабли тирилган чўпоннинг ўрнига дўстини ётқизиб, кўмиб юборишди.

Хоризж матбуотидан

шув қахрамонига айланган Писарев ҳисобни 2:1 га етказди. Ўйин охиригача шу ҳисоб сақланиб қолди.

Кетма-кет очко йўқотишлардан сўнг ниҳоят — галаба. "Пахтакор" мухлисларининг қувончларини тушунса бўлади. Бироқ, севинч узоққа чўзилармикан? Сабаби шу турда "Нефтчи"дан 4:0 ҳисобида маглубиятга учраган аламзада "Насаф" XII турда ўз майдонида Аҳмад Убайдуллаев шогирдларини қабул қилади.

Шухрат ТОЖИЕВ



Иккинчи ярим йиллик
учун обуна бошланди!
Шошнинг!

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«ҚАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Рўзибой ҲАМИДОВ

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083, Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят пуқтан пазаридан
фарқлангани мумкин.